

## ТАЛАБАЛАРДА ФУҚАРОЛИК КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК МОДЕЛИ

Джумакулов Шухрат Баходирович

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) профессор в.б

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Чирчиқ шахри,

Ўзбекистон

E-mail: [shux.2021@mail.ru](mailto:shux.2021@mail.ru)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10499632>

**Аннотация.** Ушбу мақолада яхлитлик, тарбиянинг инсонпарвар йўналганлиги, ёш ва индивидуал хусусиятларни ҳисобга олиш, тарбиянинг ижтимоий ҳаёт билан уйғунлиги каби тамойилларни ўз ичига олган, тўртта таркибий асосдан иборат талабаларда фуқаролик компетенциясини ривожлантиришнинг педагогик модели ва уни амалиётга жорий этиш масалалари тадқиқ этилган.

**Калит сўзлар:** “фуқаролик”, “компетенция”, “фуқаролик компетенцияси”, фуқаролик таълими, фуқаролик тарбияси.

## ПЕДАГОГИЧЕСКАЯ МОДЕЛЬ РАЗВИТИЯ ГРАЖДАНСКОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ У СТУДЕНТОВ

**Аннотация.** В данной статье исследуется педагогическая модель развития гражданской компетентности у студентов, состоящая из четырех структурных основ, выраженных в таких принципах, как целостность, гуманская направленность воспитания, учет возрастных и индивидуальных особенностей, гармония воспитания с общественной жизнью, а также вопросы ее реализации на практике.

**Ключевые слова:** «гражданство», «компетентность», «гражданская компетентность», гражданское образование, гражданское воспитание.

## PEDAGOGICAL MODEL OF DEVELOPMENT OF CIVIC COMPETENCE IN STUDENTS

**Abstract.** This article examines the pedagogical model of the development of civic competence among students, consisting of four structural foundations expressed in such principles as integrity, humane orientation of education, consideration of age and individual characteristics, harmony of education with public life, as well as issues of its implementation in practice.

**Keywords:** “citizenship”, “competence”, “civic competence”, civic education, civic education.

### КИРИШ

Бугунги кунда олий таълим муассасаларидаги таълим-тарбия тизими жадаллик билан ривожланмоқда. Бу эса, ўз навбатида, яқин келажақда таълим тараққиётининг муҳим стратегик тармоғи сифатида хизмат қиласди. Шунинг учун ҳам талабаларда фуқаролик компетенциясини шакллантиришнинг ранг-баранг моделларини ўрганиш ва ўқув-тарбия жараёнига татбиқ этиш алоҳида долзарблек касб этади. Бунинг учун биринчи навбатда талабаларнинг ижодий қувватларини ривожлантиришга қаратилган ишланмаларни татбиқ қилиш талаб этилмоқда. Чунки талабалар жамиятдаги алоҳида ўзига хос ижтимоий-

маданий гурух ҳисобланади. Жамиятнинг энг жадал ривожланувчи, ишchan қатлами сифатида намоён бўлмоқда. Талабалар жамиятнинг энг сара куч-қувватга тўлган, билимга чанқоқ аъзолари сифатида ижтимоий-маданий вазиятларга тезкорлик билан мослашадилар. Талабалар жамиятнинг яхлитлиги учун интилувчи асосий куч сифатида ҳам намоён бўладилар.

Шу нуқтаи назардан ёндашганда асосий вазифалардан бири талабаларда фаол фуқаролик компетенциясини шакллантиришга ўқув-тарбия жараённи йўналтиришдан иборат. Бунинг учун талабаларда фуқаролик компетенциясини ривожлантиришнинг педагогик моделини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбик этиш долзарб масалалардан ҳисобланади.

## МЕТОДЛАР

Талабаларнинг фуқаролик компетенциясини ривожлантиришда муаммоли ўқитиши, ўқув лойиҳаси, моделлаштириш, шахсий тажриба, изланишли-тадқиқотчилик, виртуал клуб, тўгарак, кейс, интерфаол машқлар, ассисментлардан фойдаланиш самара беради деб ҳисоблаймиз. Тадқиқот доирасида юқоридаги методлардан фойдаланилди ва талабаларнинг фуқаролик компетенциясини ривожлантиришнинг ижобий динамикасига эришилди.

## НАТИЖАЛАР ВА МУҲОКАМАЛАР

Талабаларда фуқаролик компетенциясини ривожлантириш педагогика фанида ўз ўрнига эга бўлган бир қатор методологик ёндашувларни ҳисобга олишни тақозо қиласди. Ана шундай таянч асос сифатида тизимли ёндашув муҳим ўрин тутади. Чунки талабаларда фуқаролик компетенциясини ривожлантиришни ўзаро бир-бири билан алоқадор яхлит тизим сифатида талқин қилиш мумкин. Тизимли ёндашув асосида талаба шахсида фуқаролик таълими билан боғлиқ яхлит тасаввурлар шаклланади.

Шунингдек, талабаларда фуқаролик компетенциясини ривожлантириш фаолиятли, шахсга йўналтирилган, аксиологик ёндашувларга ҳам эътибор қаратишни тақозо этади.

Фаолиятга йўналтирилган ёндашув талабаларнинг жамият, олий таълим ташкилоти, маҳалла ҳаётида фаол иштирок этишини таъминлаш орқали уларда саноген фикрлаш, мустақил қарорлар қабул қилиш, ўз фуқаролик хукуқларидан фойдаланиш кўникмаларини изчил ривожлантириб беради. Бундай ёндашув талабаларга эгалланган билимларини реал фуқаролик фаолиятида кўллаш имконини беради.

Шахсга йўналтирилган ёндашув талабаларнинг қизиқишилари ва эҳтиёжларини бевосита ҳисобга олиш орқали жамият томонидан белгиланган ижтимоий буюртма асосида фуқаролик тарбиясини амалга оширишни талаб этади. Мазкур жараёнда ҳамкорлик ва инсонпарварлик педагогикасидан фойдаланишга алоҳида эҳтиёж юзага келади.

Тадқиқот доирасида талабаларнинг фуқаролик компетенциясини ривожлантиришнинг педагогик моделини ишлаб чиқишида аксиологик ёндашув асос сифатида танланди. Айнан аксиологик ёндашув талабаларда фуқаролик компетенциясини ривожлантиришда ўзини фуқаро сифатида бурч ва мажбуриятларига қадриятли муносабатни таркиб топтириш имконини беради. Бўлажак мутахассиснинг ўз касбий фаолиятига аксиологик муносабати орқали фуқаролик позициясининг намоён бўлишига эришиш мумкин.

Шунингдек, талабаларда фуқаролик компетенциясини ривожлантиришда неосферик-экологик ёндашув ҳам муҳим ўрин тутади. Мазкур ёндашувнинг таркибий асослари сифатида глобал дунёқарашни шакллантириш, нуқтаи назарларнинг бир хил

аҳамият касб этишини қабул қилиш, ҳар қандай фаолият асосида шахснинг “ақл соҳаси (ноосфера)” ётишини бевосита ҳисобга олиш кабилар намоён бўлади. Албатта, бизнингча, ушбу ёндашув толерантлик билан боғлиқликда фуқаролик компетенциясини ривожлантириш нуқтаи назаридан ҳам муҳим ўрин тутади.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, ҳеч бир методологик ёндашув айри ҳолда кутилган натижани бермайди. Бу борада Н.А.Савотинанинг қуидаги фикрларга дикқатга сазовордир: “Таълим-тарбия амалиётида мустақил равишда ҳеч бир ёндашув кўзланган натижага эришиш имконини бермайди. Ҳатто энг мукаммал деб ҳисобланган педагогик парадигма ҳам ўз-ўзини тўлиқ намоён қилиш, ҳар томонлама уйғун ривожланган фуқаро шахсини шакллантиришга хизмат қилмайди[1]”. Шунинг учун турли-туман ёндашувларни ўзаро интеграциялаш орқали фуқаролик таълим-тарбиясини самарали амалга ошириш мумкин.

Яхлит педагогик жараён концепциясига мувофиқ, касбий таълим ва фуқаролик компетенциясини ривожлантириш ўзаро уйғун тарзда амалга оширилади. Ана шу сабабли талабаларда фуқаролик компетенциясини ривожлантиришни касбий тайёргарлик жараёнидан алоҳида деб қараш ўринли бўлмайди. Айнан таълим шахс ва давлат фаровонлигини белгилайди [2].

XXI аср олий таълими тўғрисидаги Бутунжаҳон декларациясида битирувчиларни мустақил, танқидий фикрлаш, ижтимоий муаммоларни таҳлил қилиш, жамият олдида турган муаммоларга ечим излаб топишга қодир ва юқори мотивацияга эга фуқаролар сифатида тайёрлаш лозимлиги алоҳида белгилаб берилган[3]. Шундай экан, замонавий шароитда олий таълим жараёнлари талабаларнинг фуқаролик компетенциясининг когнитив, мотивацион-қадриятили, хулқ-атвор ва рефлексив каби барча таркибий қисмларини ривожлантиришга йўналтирилган бўлиши керак.


Бизнингча, замонавий шахс касби ва фаолиятидан қатъий назар, юқори даражадаги фуқаролик компетенциясига эга бўлиши керак. Бу эса, кишиларга бир томондан, ўзининг хукуқларидан тўлиқ фойдаланиш имконини берса, иккинчи жиҳатдан, ўз ҳаёти давомида фаол ва масъулиятли, бошқаларнинг ҳақ-хукуқларини хурмат қиласиган фуқаро сифатида шаклланиши учун муҳим ўрин тутади.

Фуқаролик компетенциясини ривожлантириш ушбу йўналиш билан боғлиқ ўқитиш ва тарбиялаш жараёнларини мақсадга йўналтирилган тарзда ташкил этишини тақозо этади. Шу сабабли “фуқаролик таълими” ва “фуқаролик тарбияси” тушунчаларининг моҳиятини ҳам ёритиб бериш лозим.

Фуқаролик таълими – бу таълим олувчиларда сиёсий, хукуқий маданиятни шакллантириш, глобал фуқароликни ривожлантириш, ҳамма ёш даври ва барча мутахассисларни ўзаро тушунишга асосланган ҳаётга тайёрлашга қаратилган таълимий фаолиятдир.

Фуқаролик компетенцияси фуқароликка доир ўзлаштирилган билим, қўникма ва малакаларни амалий фаолиятда қўллай олишни ўз ичига олади. Бироқ у фақат билим, қўникма ва малакаларни амалиётда қўллай олиш билан чекланиб қолмайди. Шунингдек, талабаларнинг қизиқиши ва хоҳиш-истакларини рағбатлаш, ижтимоий-фойдали фаолиятга жалб этиш, ўзининг куч ва имкониятларига таянишга ўргатиш, ўз келажаги учун масъулиятни хис қилиш, ўз-ўзини тарбиялаш истагини ривожлантириш керак. Бу вазифалар талабаларнинг фуқаролик тарбиясида муҳим ўрин тутади.

**Талабаларда фуқаролик компетенциясини ривожлантиришнинг педагогик модели**



Олий таълимда фуқаролик тарбияси интеграллашган кўринишдаги фуқаролик ва касбий билимларни ўзлашириш, фуқароликка доир фаолиятни ташкил этишга тайёрликни таркиб топтиришга йўналтирилган тизимли жараёндир.

Умуман олганда, фуқаролик таълимининг асосий вазифаси фуқароликка доир ўқув-билиш фаолиятини ташкил этишдан иборат бўлса, фуқаролик тарбияси эса, талабаларда ахлоқий идеаллар, тасаввурлар, эътиқодлар, одатларни шакллантиришга хизмат қилади. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, тадқиқот предмети сифатида кўриб чиқилаётган компетенцияни ривожлантиришда фуқаролик таълим-тарбияси ажralmas хусусият касб этади. Чунки яхлит мақсад сифатида талабаларда фуқаролик компетенциясини ривожлантиришнинг асосий компонентларини таркиб топтиришга хизмат қилади.

Фуқаролик компетенциясининг когнитив, мотивацион-қадриятли, хулқ-атвор ва рефлексив компонентлари таҳлили асосида тадқиқот доирасида талабаларнинг фуқаролик компетенциясини ривожлантириш жараёнининг педагогик модели ишлаб чиқилди[4].

Талабаларда фуқаролик компетенциясини ривожлантириш жараёнларида қуйидаги тамойилларга таяниш лозим: яхлитлик, инсонпарварлик, ижтимоий мақбуллик, ёш ва индивидуал хусусиятларни ҳисобга олиш.

Яхлитлик тамойили фуқаролик таълими ва тарбиясини амалга оширишда аудитория ва аудиториядан ташқари машғулотлар, давлат ва жамоат ташкилотларининг ўзаро интеграциясини талаб этади.

Инсонпарварлик тамойили талабаларнинг қизиқишилари, хоҳиш-истаклари, интилишилари, ахлоқий танловини хурмат қилиш, унинг индивидуаллигини қабул қилишини тақозо этади. Чунки талабаларни ўзаро бир-бири билан таққослаш эмас, балки фуқаролик компетенциясини ривожлантириш жараёнида рефлексив позициясининг намоён бўлишини ҳисобга олиш яхши самара беради.

Тарбиянинг ижтимоий мақбуллик тамойили тарбия тизимини аниқ вазият ва айни ҳолатга мос келишини назарда тутади. Мазкур тамойил талабаларда фуқаролик компетенциясини ривожлантириш жараёнини ижтимоий буюртма асосида амалга оширишни кўзда тутади.

Ёш ва индивидуал хусусиятларни ҳисобга олиш тамойили талабанинг мустақил равишида индивидуал ривожланиш траекториясини белгилаш, хатти-ҳаракатларни коррекциялаш ва индивидуал ёндашув асосида фуқаролик компетенциясининг ривожланганлик даражасини ташхис этишни талаб қилади.

Талабаларда фуқаролик компетенциясини ривожлантиришнинг педагогик модели ўзаро бир-бири билан боғлиқ бўлган тўртта таркибий асосдан иборат:

1) мақсадли. Фуқаролик компетенциясини ривожлантириш жараёнида мақсадни белгилаш ижтимоий-педагогик тизим сифатида ўзида муҳим омилларнинг яхлит тасаввурини акс эттиради. Вазифаларни аниқлашириш мазкур жараённи амалга ошириш босқичлари, асосий йўналишилари, шакл, метод ва воситаларини танлашга хизмат қилади. Ташкилий-педагогик шарт-шароитлар режалаштирилган фаолиятни фуқаролик тарбияси мазмуни билан бойитади. Ишлаб чиқилган педагогик шарт-шароитларнинг самарадорлиги тажриба-синов жараёнида апробациядан ўтказилади;

2) мазмунли – талабаларнинг фуқаролик компетенциясини босқичма-босқич ривожлантириш жараёнида амалга ошириладиган компонентларнинг асосий моҳиятини

ўзида ифода этади. Моделнинг мазмунли блокини рўёбга чиқариш аудитория ва аудиториядан ташқари машғулотларда амалга ошади;

3) ташкилий-фаолиятли – фуқаролик компетенциясини ривожлантириш жараёнининг босқичлари, профессор-ўқитувчилар, тьюторлар ва талабаларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил этишнинг амалий тизимини ўз ичига қамраб олади;

4) баҳоловчи-натижавий – талабаларда фуқаролик компетенциясини ривожланганлик даражасидаги ўзгаришларни аниқлаш учун баҳолаш мезонлари, кўрсаткичлари, даражалари ҳамда диагностик воситаларни ўзида акс эттиради.

### **ХУЛОСА.**

Тадқиқот доирасида тақдим этилган модел фуқаролик таълими ва тарбиясининг мақсади, вазифалари, босқичларини аниқлаштиришдан, фуқаролик компетенциясини ривожлантиришнинг ижобий динамикасига эришишгача бўлган жараёнларни қамраб олади. Бизнинг фикримизча, ижтимоий аҳамиятга эга фуқаролик фаолияти тадқиқ этилаётган компетенцияни ривожлантиришнинг муҳим омили ҳисобланиб, мазкур жараённи яхлитликда баҳолаш имконини беради.

Талабаларда фуқаролик компетенциясини ривожлантиришнинг педагогик модели ўзаро бир-бири билан боғлиқ бўлган тўртта таркибий асосдан иборат бўлиб, уни амалга ошириш яхлитлик, тарбиянинг инсонпарвар йўналганлиги, ёш ва индивидуал хусусиятларни ҳисобга олиш, тарбиянинг ижтимоий ҳаёт билан уйғулиги каби тамойилларни ҳисобга олишни тақозо этади.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР (REFERENCES)**

1. Савотина Н.А. Гражданское воспитание студенческой молодежи в современном вузе: дис. ... д-ра пед. наук. – Москва , 2005. – 459 с.
2. Сластенин В.А. Общая педагогика [Текст] / В.А. Сластенин, И.Ф. Исаев, Е.Н. Шиянов. – М.: Гуманит. Изд. Центр ВЛАДОС, 2002, Ч. 2. – 238 с.
3. Всемирная декларация о высшем образовании для XXI века: подходы и практические меры // Вестник высшей школы. – Москва, 1999. – №3. – С.30-32.
4. Джумакулов Ш.Б. Аксиологик ёндашув асосида талабаларнинг фуқаролик компетенциясини ривожлантириш: педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори. ... дисс. – Чирчик, 2022.
5. Педагогика назарияси ва тарихи. 1-қисм. Педагогика назарияси /Дарслик. М.Х.Тохтаходжаева ва бошқ.– Т.: “Moliya-iqtisod”, 2007.
6. Джумакулов Ш.Б. Талабаларда фуқаролик компетенциясини ривожлантириш долзарб педагогик муаммо сифатида. “ERUS” Educational Research in Universal Sciences . 2023/12 . 624-630 б.